



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2014 йил 27 март, № 59 (5989)

Пайшанба

## МАМЛАКАТИМИЗ

### ТАРАҚҚИЁТИ

#### ЙЎЛИДА



Жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 420 миллиард сўмлик кредит ажратиш кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

### Сурхондарёлик тадбиркорларга 420 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилади

Узун туманидаги "Шухрат — 1" хусусий корхонаси ҳам ушбу молиявий қўмак ҳисобидан ташкил қилинган корхоналардан бири. Ҳозир бу ерда фаолият юритаётган 30 нафар хотин-қиз томонидан болалар кийимлари, чойшаблар ҳамда коржомалар тайёрланмоқда.

Банкдан ажратилган 100 миллион сўмлик маблағ эвазига хориждан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатдик, — дейди тадбиркор Рисолат Пардаева. — Бизнинг тивук машиналаримиз энергия сарфи борасида жуда тежамкор. Бу эса маҳсулот таннархи арзонлашувини таъминлайпти.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Коллежда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Пискент туманидаги агросаноат ва иқтисодий касб-хунар коллежи фаолияти билан танишган япониялик банкирлар "JBIS" банки лойиҳаси асосида мазкур таълим муассасасига грант маблағи ажратилишини маълум қилган эди.

Мазкур грант маблағлари фан хоналарини қайта жиҳозлаш ва хориждан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, қадқочловчи ихчам технологиялар харид қилишга йўналтирилди. Натижада янги цехда ўқувчилар касбий таълимга оид билим ва кўникмаларини мустақамлаш баробарида, бевосита иш-

лаб чиқариш жараёнида қатнашиш имконига эга бўлишди. Аввалига ишни ҳудуд фермерлари етиштирган сабзавот ҳамда мевалардан томат пастаси, кетчуп, хуштаъм шарбат ва қиёмлар тайёрлашдан бошлаган ўқувчилар култирилган сут қадқоқлашни ҳам ўзлаштириб олишди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Янги технологик ускуналар компьютерда бошқарилади

Косон туманидаги "Phoenix Strong" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология ёрдамида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тежамкор энергия асосида ишлайдиган янги технологик ускуналар компьютер орқали бошқарилади.

2013 — 2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ушбу лойиҳа учун банкдан олинган 41 минг АҚШ долларлик имтиёзли кредит йўналтирилди. Натижада ўнга яқин иш ўрни яратилди.

— Хорижда ишлаб чиқарилган замонавий пишириш печлари ёрдамида йилга 45 тонна маҳсулот тайёрлаш мумкин, — дейди тадбиркор Раҳимиддин Боражабов. — Ишнинг асосий қисми компьютер ёрдамида бажарилаётгани вақт ҳамда электр қувватини тежаш имконини бермоқда. Маҳсулотларимиз шартнома асосида тумандаги дўконларга етказиб берилаяпти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

www.xs.uz  
«Халқ сўзи»  
газетаси сайтида ўқинг  
Устюрт мўжизаси  
...Олимлар Устюрт кенгликлари жуда қадимий тарихга эга, дейишди. Чунончи, Миср эҳромлари-га қаланган тошларни эслатуви Белеули қадамжосидаги харсангларга битилган шакл ва ёзувларни, нақшу нигорларни бугунги кунда лазер ёрдамида ҳам ёзиш, чизиш амри маҳол.

## Наврўзи олам хорижий мамлакатлар вакиллари нигоҳида

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Тошкентда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатия миссияларининг раҳбарлари

ва вакиллари ҳам иштирок этди. Улар байрам шодиёнасида ортирган таассуротларини ҳамда ушбу баҳор айёми ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирлари билан ўртоқлашди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Марианн Пшездзеци, Польшанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

— Наврўз қувончбахш байрамдир. У орқиқиб қутилган қуёш тафтининг, янгича ғайрат-шижоват ва кўклар ибтидосининг рамзи саналади. Мазкур айём инсон қалбини янгидан-янги ниятларга ва бунёдкорлик завқ-шавқига тўлдирди. Баҳор кириб келишини кутиб олишнинг бетакрор тантанаси бўлмиш Наврўз бир-биримизга эзгу ниятлар билдиришимиз учун ҳам ажойиб имконият ҳисобланади.

Мен Наврўзини тўртинчи марта Табаш Тошкентда нишонламоқдам. Афсуски, жорий йил сўнгги менинг Ўзбекистондаги миссиям ниҳоясига етди. Бироқ умримнинг охиригача Ўзбеки-

тонда ўтказган ажойиб дамларимни ёдимда сақлаб қоламан. Ўзбекистон халқига ўзимнинг эзгу тилақларимни изхор этаман. Барча орзу-истакларингиз амалга ошсин, ҳаётингиз бундан-да ёруғ ва саодатли бўлсин! Уйларингизда ҳар доим шоду хуррамлик, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин. Наврўз байрамингиз муборак!

Риаз Хуссаин Бухари, Покистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

— Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон аҳлини баҳор айёми — Наврўз билан табриклайман.

Ушбу ёрқин байрам Покистонда ҳам кенг нишонланади, у "Жашне Баҳор" деб аталади. Бу мамлакатларимиз халқларининг

анъаналари, тарихи ва маданияти муштарак эканлигидан далолат беради.

Бутун Ўзбекистон бўйлаб кезаётган Наврўз шуқуҳи миллат бирдамлигининг, ушбу заминда истиқомат қилаётган турли миллат ва эллар вакиллари ўртасидаги мустақам дўстликнинг тантанаси ҳамдир.

Барча покистонликлар номидан дўст Ўзбекистон халқини кириб келган кўклар байрами — Наврўз билан яна бир бор табриклайман. Сизларга фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва ҳамжихатлик, тараққиёт ҳамда равнақ тилайман.

Дўстона муносабатларимиз келгусида янада ривож топиб, мустақамланишига ишончим комил.

(Давоми 2-бетда).

## «ҲАР БИР ФАРЗАНД УЧУН БИР КЎЧАТ»

шиори остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги боғ ва гулзорлар барпо этилмоқда

Юртимиз узра Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш юмушлари жадал олиб борилаяпти.

### АНЪАНА

Бундай тадбирларда тевақал-атрофни саранжом-сариятлаш, дарахтларга шакл бериш билан бирга, ҳудудларга манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, анвойи гул ниҳоллари кишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Зеро, қуёш ҳамал буржиги оған паллада ўтказилган ҳар туп кўчат бехато унинг чиқса, ерга сепилган уруғ тезда илдиз отиб, палак ёзади. Халқимиз "Хамал кирди, амал кирди", дея бежиз айтмайди-да.

Кўчат экиб, боғ яратиш — халқимизга хос эзгу фазилатлардан бири. Миллий удумларимизга кўра, оилада ўғил бола туғилса, унга атаб ниҳол экилган. Фарзанд вояга етгунча, ёш ниҳоллар улкан дарахтларга айланганки, уй қуриш чоғида ёғоч муаммоси бўлмаган. Соғлом бола йилда ушбу эзгу анъана янада кенг кўлам касб этиб, янгича маъно-мазмун билан бойиди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Гап шундаки, "Ҳар бир фарзанд учун бир кўчат" шиори остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги боғ ва гулзорлар барпо этилмоқда. Бу хайрли тадбирни уюшқоқлик билан ташкил қилиш мақсадида ҳамма ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилаётгани қувонарли ҳолдир. Шу боис туман ва шаҳарлар марказлари, аҳоли тураржойлари, маҳаллалар, кўчаларнинг чети ва хиёбонларга жами

**140** миллион тупдан зиёд турфа хилдаги кўчат ва қаламчалар экилиши мўлжалланган.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон "Foodex Japan — 2014" халқаро кўргазмасида

Яқинда мамлакатимиз вакиллари Япониядаги "Foodex Japan — 2014" озиқ-овқат ва ичимликлар халқаро кўргазмасида иштирок этдилар. Тадбирнинг Ўзбекистонга ажратилган бўлмасида юртимиз асарларичилик хўжаликларининг ҳар хил шифобахш маҳсулотлари намойиш қилинди.

### ЭЪТИРОФ

Алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу халқаро кўргазмада қуёшли Ўзбекистон маҳсулотларига катта қизиқиш мавжуд эканлиги аён бўлди. Буни мамлакатимизга ажратилган бўлманинг халқаро тадбир иштирокчилари ва меҳмонлари билан

гавжум бўлганидан ҳам билиш мумкин эди. "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Япония ташқи савдо ташкилотининг Халқаро савдо ярмаркалари департаменти директо-

ри Кенжиро Ватанабэ қайд этганидек, Ўзбекистон вакиллари халқаро "Foodex Japan — 2014" кўргазмасидаги иштироки Япония ва хорижий мамлакатлар компанияларига Ўзбекистонда етиштирилган тоғ асали, пахта боли, водий асали сингари юқори сифатли маҳсулотлар билан бевоқиф танишиш учун жуда қулай имконият яратди.

У, шунингдек, юртимизда асарларичилик ривожланишининг салоҳиятига юқори баҳо берар экан, мамлакатимиз асарларичилик хўжаликлари фаолияти билан яқиндан

танишиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш мақсадида Ўзбекистонга бориш ниятида эканлигини билдирди.

Кўргазма меҳмони Хана Тоёма ҳам Ўзбекистондан келтирилган асарларичилик маҳсулотлари ўзининг юқори сифати, бетакрор таъми ва табиийлиги билан бошқалардан ажралиб турганини таъкидлаб, шундай деди: "Ўзбекистон маҳсулотлари бундай сифат кўрсаткичлари билан япон истеъмолчилари ўртасида катта талаб қозониши мумкин. Чунки Ўзбекистон асарларичиликнинг ривожланиши учун жуда мақбул бўлган табиий-иқлимий шарт-шароитларга эгадир".

«Жаҳон» АА.

### ДАВРА СУҲБАТИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ишловлар амалга оширилмоқда.

### Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов

Хусусан, суд тизимида жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, бугун халқ маслаҳатчилари институти шаклланди ҳамда жамоатчилик вакиллари жиноят ишлари муҳокамасида фаол иштирок этмоқда.

Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган "Жиноят ишларини қўришда халқ маслаҳатчиларининг иштироки ва суд амалиётидаги долзарб масалалар" мавзусидаги давра суҳбатида шу хусусда атрофлича сўз юритилди. Тадқиқот маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижалари тақдиримизга бағишланган тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, халқ маслаҳатчилари, амалиётчи мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Эътироф этилганидек, мамлакатимизда халқ маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий асоси яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, "Судлар тўғрисида"ги Қонун ва "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги низомида ушбу масала ўз аксини топган. Бу эса амалда одил судловнинг тўла рўёбга чиқариши имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда корпоратив муносабатларнинг янада ривожланиши учун акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш зарур.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Қонун амалдаги нормаларни аниқлаштириш асосида, мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, акция-

келиб тушган, дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси масъул этиб белгиланди. Кўмитамиз томонидан ишчи гуруҳ ташкил этилиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат қондалари атрофлича таҳлил қилинмоқда. Айни пайтда Қонун нормаларининг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ҳам чуқур ўрганиб чиқилмоқда. Хусусан, кўмитамиз аъзолари жойларда мутахассислар, тадбиркорлар

сотилаётган акцияларни акциядор ва акциядорлик жамияти томонидан сотиб олиш шартлари белгиланмоқда.

Қонунда акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шу жумладан, акциядор томонидан

мувожаатларини кўриб чиқиш, йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга боғлиқ масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш иштирок этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мувожаатларни киритиш белгиланган.

Умуман, Қонунда қатор янгиликлар кўзда тутилган бўлиб, уларнинг ҳаёта татбиқ этилиши мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кенг қўлланиладиган банк кредитлари билан бир қаторда, қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан аҳолининг бўш пул маблағларини самарали йўналтириш орқали акциядорлик жамиятлари мавқеини янада ошириш учун зарур шарт-шароит яратилишига қаратилган.

— Қонуннинг қабул қилиниши қандай натижалар бериши кутилмоқда?

— Аввало, Қонун акциядорлик жамиятларини фаолиятини жадаллаштириш ҳамда уларнинг бошқарув ва назорат органлари ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаш натижасида уларнинг роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, акциядорларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, айниқса, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини яратди. Айни пайтда қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёни такомиллаштириш натижасида қимматли қоғозларнинг реал бозор баҳоси шаклланади. Муҳим жиҳатларидан яна бири, қонун акциядорлар ва потенциал инвесторларга акциядорлик жамияти фаолияти тўғрисидаги ахборотларни олишига мустаҳкам ҳуқуқий замин ҳозирлайди.

Қобил ХИДИРОВ сўхбатлашди.

### Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини янада кенгайтириш, бунинг учун эса фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини буғунги кун талаби даражасида юксалтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Мухтор Ҳакимов. — Шундан келиб чиққан ҳолда, Тадқиқот маркази томонидан халқ маслаҳатчилари институти фаолияти юзасидан мониторинг ўтказилиб, ушбу институти тартибга солинувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқ маслаҳатчиларининг суд ишларини кўришдаги иштироки ва шу масала билан боғлиқ хорижий тажриба ҳамда судьялар ўртасида мазкур масала юзасидан ташкил этилган ижтимоий сўров натижалари, жиноят ишини маслаҳатчилар иштирокида кўришда юзага келаётган ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлар ўрганилди. Йиғилиш иштирокчилари мониторинг натижаларини юқори баҳолашди.

Тадбирда халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш, уларнинг ўқувини ташкил этиш, жиноят ишларини кўришдаги иштирокини кучайтириш ҳамда халқ маслаҳатчилари институтига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш каби қатор долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ТАДБИР

Бухорода вилоят ҳокимлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан Инновацион ишланмалар худудий кўргазмаси ташкил қилинди.

## Инновацион тадқиқотлар намоиши

Унда бир қатор етакчи олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий текшириш институтлари маҳаллий хом ашё асосида янги махсулот ишлаб чиқариш, энергия ва ресурс тежамкор технологиялар, қуёш ва қайта тикланувчи энергия манбалари, чикиндиларни қайта ишлаш, мева ва сабзавотларни сақлаш, консервалаш ва қуритиш каби йўналишлардаги жами 150 та илмий ишланма билан иштирок этди.

— Кўргазмада бир неча истикболли ишланма билан қатнашяпмиз, — дейди Тошкент кимё-технология институти масъул ходими Л. Бобоев. — Олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган илғор технологиялар амалиётга муваффақиятли жорий этилмоқда. Масалан, кам госиполли пахта шротни олиш технологияси айни дамда мамлакатимиз ёғ-мой саноати тизимидagi 13 корхонада кенг қўлланилماпти. Бу эса йилига 7,2 миллиард сўмлик қўшимча даромад олиш имконини бераётди.

— Тадбирга қизиқиш жуда катта, — дейди ЎзФА «Физика-Кўёш» ИИЧБнинг Физика-техника институти катта илмий ходими Ё. Тошмуродов. — Кўргазмада биз таклиф этган инновацион гоё — телефон зарядлагич қуёш нуридан қувват олади. Сайёҳлар, геологлар, фермер хўжалиги аъзолари, божхона пункти назорати ходимларининг фойдаланишлари учун мўлжалланган бу зарядлагичлар ҳозир саноат усулида ишлаб чиқарилмоқда.

Инновацион ишланмалар худудий кўргазмаси доирасида семинар ташкил этилиб, ёш тадқиқотчилар ўз ишлари билан тўпланганларни таништирдилар.

Тадбир якунида илмий муассасалар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида шартномалар имзоланди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий шаҳрида ўтказилган инновацион ишланмалар худудий ярмаркасида Самарқанд, Тошкент, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари ҳамда Фанлар академиясига қарашли бир қатор илмий тадқиқот институтларининг икки юздан ортиқ техник ишланмалари намоиш қилинди.

— Анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу тадбир тадқиқотчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, — дейди Навоий вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бўлим бошлиғи Шерзод Аслонов. — Хусусан, мазкур ярмарка илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари технология ҳамда ишланмаларини намоиш этиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича ўзаро

тажриба алмашиш, илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида саноат корхоналари билан бевосита амалий мулоқот қилиш имконини бермоқда. Тадбир давомида фермер хўжаликлари, саноат корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан технология ишланмалар муаллифлари ўртасида шартномалар имзоланди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Қисқа сатрларда

● Миллий матбуот марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар дастур ижроси бўйича аҳоли ўртасида олиб бориладиган кенг ахборот-тушунтириш ишларида оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этиши, бу борада журналистларнинг масъулиятини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

● Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетидида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан адабий кеча ўтказилди. Тадбирда Мухаммад Юсуф ижодининг ўзига хос жиҳатлари, халқимиз қалбидан жой олган асарларининг яратилиш тарихи ҳақида сўз юритилди. Адабий давра мушоирага улаиб кетди.

● Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида маданият маркази иш бошлади. Ушбу марказнинг 200 ўринли зали замонавий тарзда жиҳозланиб, барча шарт-шароит яратилди.

● Қарши шаҳрида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бағишлаган тадбирда долзарб масалалар муҳокама этилди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида музейларнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда музейларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, уларнинг турли вазирилик ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлигини ривожлантиришга оид истиқболдаги режалар хусусида батафсил маълумот берилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Балқар Мухаммад Нур Юсеф, Иордания Ҳосимийлар Кириллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

— Наврўзга бағишланган тантаналарни кузатар эканман, тадбирнинг ранг-баранглиги ва кўлами, ўзбек миллий либосларининг чиройи, иштирокчилар чехрасидаги самимият ҳамда қувонч мени хайратлантирди.

Президент Ислон Каримовнинг жуда мазмундор байрам табригини катта мамнуният билан тингладим. Давлатингиз раҳбарининг ташаббуслари ҳар доим ва ҳамма жойда, хусусан, Ўзбекистондан ташқарида ҳам тўла тушунилади ва қўллаб-қувватланади.

Ушбу минг йиллик қувончли байрамни сизлар билан бирга

## Наврўзи олам хорижий мамлакатлар вакиллари нигоҳида

нишонлаганимдан бахтиёрман. Ўзбек халқини Наврўз билан табрикламан, мамлакатингизга катта муваффақиятлар ҳамда фаровонлик тилайман.

### Ондрей Шимек, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси Сийёсат, матбуот ва ахборот масалалари бўйича бўлими раҳбари:

— Ушбу чинакам гўзал ва муҳим байрамда иштирок этганимдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни, мамлакат меҳмонларини ҳамда дипло-

матия корпусидаги ҳамкасбларимни байрам билан кутлайман, уларга муваффақиятлар, соғлиқ-саломатлик ва албатта, эзгу тилакларни изҳор этаман.

Биз тинчлик, эзгулик ва ҳамжиҳатлик гоёларини ўзида мужассамлаштирган ажойиб тантананинг гувоҳи бўлдим. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёшларнинг баркамол бўлиб тарбияланиши ва уларнинг ютуқлари ҳамда ёш авлод вакиллари мамлакат келажагида тутадиган муҳим аҳамияти хусусида алоҳида тўхталди. Европа Иттифоқи таълим, маданий тараққи-

ёт, мамлакатлар ва халқлар, шу жумладан, ёшлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш каби соҳалардаги ташаббусларни доимо қўллаб-қувватлаб келган. Биз «Эразмус» ва «Темпус» таълим дастурлари доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Хусусан, ҳар йили Ўзбекистонда Европа таълими кунларини нишонлаймиз. Жорий йилда лойиҳалар мустаҳкамланди, уларни молиялаштириш ҳажми ошди. Бу эса, шубҳасиз, қўллаб олий ўқув юрталарининг мазкур лойиҳаларда иштирок этиш имкониятини кенгайтирди.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг айтишича, жойларда боғ ва яшил майдонлар яратиш, маҳалла ҳамда тураржойларни ободонлаштириш чоғида ўша худуднинг тупроқ-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда, касаллик ва зараркунандалар, айни пайтда қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли дарахт ҳамда бута турларини экишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг қисман шўрланган ёки шўрланишга мойил ерларида дарахтларнинг ер майдонларини шамол ва сув эрозиясидан муҳофазалашдаги ҳамда биомелиорациядаги аҳамияти алоҳида эътиборга олинди, кўктерак, қоратол, жийда, қайрағоч, заранг, шумтол, акация, япон софораси, тут, наъматак каби дарахт ва буталар ниҳолларини ўтказиш тавсия этиляпти. Тоғли худудларда арча, бодом, pista каби мевали ва манзарали, шаҳарларда эса, турли мевали дарахтлар билан биргаликда, гўзал манзара берувчи дарахтлар, чиройли гуллайдиган буталар кўчатларини қадаш мақсадга мувофиқдир.

Юртимиз аҳолиси, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг бундай дарахт ниҳолларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ўрмон хўжаликлари томонидан ҳар йили 35-40 миллион туп кўчат этиштирилади.

— Шундан 15 миллион тупи саксовул, қандим, черекс каби чўл ўсимликлари бўлиб, улардан, асосан, чўл худудларида янги ўрмон-



зорлар барпо қилишда фойдаланилади, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Ҳожимурод Толипов. — Қолганларини эса манзарали, мевали дарахт кўчатлари ташкил қилади. Жорий мавсум учун жами 70 турдаги кўчатлар тахт қилиб қўйилди. Талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, игна баргли дарахтлар кўчатини тайёрлаш ҳажми ҳам йил сайин кўпайтириляпти. Масалан, виргин арчаси, Шарқ тиши, компактли тую арчаси, элдор қарагайи, Қрим қарагайи каби манзарали дарахтларнинг қарийб 3 миллион туп кўчати ўтказилмоқда. Бунда ўрмон хўжаликларимизда қўшимча равишда 10 гектарлик янги кўчатхоналар яратилгани айни муддао бўлди.



Таъкидлаш керакки, ўрмон хўжаликлари томонидан терак ва бошқа тез ўсувчи, бодом, ўрик, шафтоли, нонжийда каби ёнғоқ мевали, каштан, эман, ипак акация, каталпа, заранг сингари ноёб манзарали дарахт кўчатларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Бунинг самараси ўларок, юлғунларнинг мўъжазига саҳнада яшил майдонлар ташкил этишга бўлган эътибор ҳам соҳа ходимлари олдига янги вазифаларни

қўяётгани бор гап. Негаки, бу жойларда экиладиган дарахт ва буталар бино кўринишига уйғунлашиб, янада кўркам қиёфа касб этиши керак. Қолаверса, нафақат у чиройли манзара ҳосил қилиб ўсиши, балки атмосфера ҳавосини тозалайдиган, шовқинсурунни ушлайдиган, шу билан бирга, шифобахш хусусиятлари бисёр бўлса, янада яхши.

— Ана шу талаблар асосида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чиқариш марказининг кўчатхоналарида ноёб дарахт турлари районлаштирилиб, маҳаллий иқлим шароитимизга мослаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда, — дейди унинг директори ўринбосари Абдуҳаким Утаназаров. — Бунинг самараси ўларок, пирамидасимон эман, каштан, япон софораси, ипак акация, каталпа, эрта баҳорда гуллайдиган форзеция, хинд наставрини, япон беҳиси, Қрим қарагайи, лола дарахти кўчатларини етиштириш ўзлаштирилди. Умуман олганда, 2013 йилда тизимдаги ўндан зиёд илмий тажриба станцияси ва ишлаб чиқариш участкаларида шу каби наботот олами намуналарининг 2 миллион 700 тупдан зиёд кўчатлари етиштирилди. Улар юртимизнинг кўркам жамолига ажиб манзара бериши, шубҳасиз.

Аслида, ниҳол қадаш ободликнинг энг муҳим белгиларидан бири саналади. Зотан, дов-дарахт бор жойда гўзаллик, мусаффо ҳаво, ризк-насиб бор. Шу боис ота-боболаримиз кафтдек ерга

ҳам дарахт ўстириш пайидан бўлишган. Бу эзгу қадрият истиқлол йилларида қайта тикланиб, янгича маъно-мазмун билан бойи-ди. Бунинг исботини ҳар қўлламада умумхалқ хашари ташкил этилиб, янги боғларга асос солинаётгани, шаҳару қишлоқларимиз яшилликка бурканиб бораётгани мисолида кўриб-билиб турибмиз.

Бу йилги кўжаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг кўлами ҳам аввалгиларидан кам бўлмапти. — 2014 йил мавсумига республикамиз аҳолиси ва фермер хўжаликлари учун 6 миллион 528 минг туп ток кўчати, 1 миллион 786 минг туп мевали дарахт кўчати тайёрланди, — дейди Маҳмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти директори ўринбосари Баҳодир Қўчқоров. — Шундан 918 минг тупи интенсив боғлар учун мўлжалланган яримпакана пайвандтагиди олма кўчатидир. Бундай серхосил дарахтларга ортиб бораётган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ҳажми-ни муттасил ошириб бораёпмиз.

Бугун қадалаётган ниҳоллар, ҳадемай, буй кўрсатиб, юртимизни боғларга буркаши шубҳасиз. Уларга боққан кишининг бахриди очилиб, кўнгли осмон қадар юксалиши турган гап. Зеро, бу ажиб боғлар яхшиларнинг меҳнати билан ярилиб, уларнинг меҳридан яшнамоқда.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШАРХ

Сўнгги вақтларда қатор хорижий оммавий ахборот воситалари глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсиридан энг кўп азият чеккан Европа давлатларида рецессия ҳолати ортада қолиб, ўсиш суръатлари қайд этилаётгани тўғрисида хабар тарқатмоқда. Ана шундай ижобий натижалар, асосан, ўтган йилнинг тўртинчи чорагидан эътиборан кўзга ташлана бошлаган.

25 ёшгача бўлган ҳар уч йигит-қиздан иккитаси иш жойига эга эмас. Испания, Италия, Португалия, Франциядаги ҳолатга ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Бунинг оқибатлари, айниқса, катта ижтимоий ҳавфи ҳақида психологлар бот-бот огоҳлантиришаётди. Чунки ҳаётда ўз ўрнини топиш илминини интиладиётган ёшлар кутганидек рағбат кўрмаса, эъти-

Оилада фарзанд туғилганда унга атаб терак экиш анъанаси ҳам зурриёдиннинг келажигини ўйлаб қилинадиган амалдир. Яъни фарзанд улғайгач, унга қуриладиган иморат усти айнаи ўша тераклар билан ёпилади ва шу орқали фарзандга янги ҳаёт қуришда амалий ёрдам кўрсатилади. Еки "Бир болага етти маҳала ота-она" гоёсининг мазмун-моҳияти ҳам бизда

Таълим-тарбия соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлирининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига эътибор изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, биргина 2013 йилнинг ўзиде 28 та янги касб-хунар коллежи қурилган, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлири тизимидаги 45 та объект, 131 касб-хунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинган ҳамда капитал таъмирлангани, 113 та спорт иншооти ва сувиш ҳавзаси, 55 та болалар музика ҳамда санъат мактаби барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Диққат, танлов! «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УА, Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини кўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, касб маҳорати ва билим даражасини ошириш, шунингдек, ёшларнинг касб алоқаларини мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашувини ривожлантириш, ўзлари тан-

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА АҲОЛИ МАНФААТИ



Жумладан, 2013 йилнинг октябр — декабр ойларида ягона валюта бирлигига аъзо давлатлар иқтисодиёти аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 0,3 фоиз ўсган. Бунда бир қатор мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ҳажми юксалгани муҳим аҳамият касб этди. Масалан, Германияда 0,4, Франция, Испания, Австрияда 0,3, Италияда 0,1 фоиз ўсиш кузатилган. Аммо бу билан умумий ҳолат тўлиқ яхшиланиб кетди, дейишга ҳали эрта. Чунки меҳнат бозоридеги вазият ҳамон мурраккабланиб қолмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (унга 34 та давлат аъзо бўлиб, асосий қисми ЕИ вакиллари ҳисобланади) маълумотларига кўра, айни пайтда евроҳудудда ишсизлик даражаси ўртача 12,1 фоизни ташкил этаёпти. Яъни 19 миллион 200 мингдан ортиқроқ киши меҳнат биржаларидан рўйхатдан ўтган. Экспертларнинг фикрича, халқаро миқёсда таназзул таъсирини бартафат этиш бўйича ханузгача аниқ бйр механизм ишлаб чиқилмагани, ҳаражатларни камайтириш мақсадида шатлар жадалига қисқартиришлар давом эттирилаётгани ва бошқа кўпла омилар тўғрисида жорий йилда евроҳудудда ана шу рақам яна 0,1 — 0,3 фоиз атрофда ошиши мумкин. 2014 йилнинг

дастлабки ойдаёқ кўзга ташлана бошлаган айрим салбий натижалар бундай тахминлар бежиз эмаслигини тасдиқлаётгандек гўё. Айтайлик, январда Францияда ишсизлар сафи 8900 кишига кўпайиб, умумий кўрсаткич 3,3 миллион нафарга етди. Бу яқунланган йилнинг декабрь ойидагига нисбатан 0,3 фоиз ўсган. Мавжуд вазиятга баҳо берган мамлакат бандлик вазири Мишель Сапан йил якунига қадар ахвол ижобий томонга ўзгаришини ваъда қилган бўлса-да, Еврокомиссия тахлилчилари яқин орада Францияда ишсизлик даражаси 11 фоиз атрофда сақланиб қолишини, яъни жиддий ўзгариш кузатишмаслиги мумкинлигини билдиришган. Ҳозирги вақтда нафақат "кўнжа китъа"да, балки бутун дунёда бандлик билан боғлиқ энг ўткир муаммо, бу ёшлар ўртасидаги ишсизликнинг юқориликка қолаётганидир. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан эълон қилинган маълумотларга қараганда, айни пайтда 15-24 ёш оралмидаги 74,5 миллион нафар аҳоли вакили бекорчиликда кун кечираёпти. Хусусан, Шимолий Африка, Лотин Америкаси, Қариб ҳавзаси ҳудудидаги айрим мамлакатлар, Яқин Шарқ ва Жанубий Европа давлатларида бу борадаги ҳолат анча жиддий. Мисол учун, бугунги кунда Грецияда

борсиз қолдирилса, жумладан, ишга жойлаша олмаса, бора-бора умиди сўниб, руҳий тушкунликка тушиб қолган. Натижада ўзини жамиятга керак эмасдек ҳис қилади ва билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолади. Бу билан келажакда, орзу-ҳавасларидан айрилади. Шу боис ҳам ёшларни кўллаб-қувватлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳаммамиз Фарб мамлакатларидаги одамлар турмуш тарзи акс эттирилган кўплаб фильмларни томоша қилганмиз. Ана шундай кино асарларда ота-оналар фарзандларига вояга етгач, унга "энди бўёвга ҳаммаси ўзинга боғлиқ" қабилда фикр билдириб, ўғил-қизини мустақил ҳаёт сари "учирма" қилганидан саҳналар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бундай ёндашув реал ҳаётга қанчалар яқин билмадигу, аммо илгари сурилатган гоё бугунги шароитда, ҳатто катта авлод вакиллари ижтимоий муаммолар олдида тузукроқ чора топа олмаётган бир пайтда ўзини оқлаш маслиғи тайин. Чунки бола айни балоғат ёшида ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор, ёрдамга муҳтожлик сезади. Унга ҳудди шу даврда тўри йўлни кўрсатиш, жамиятга қўшилиши учун кўмаклашиш, ҳам моддий, ҳам маънавий мадад бериш жуда-жуда зарур.

Мана шулар ҳақида ўйлаганда, миллатимизга хос эзгу қадриятлар нақадар пурҳикмат эканини дилдан ҳис қиламиз. Агар бизнинг одамларимиздан "Энг катта орзуинг нима?" деб сўрасангиз ҳеч иккиланмасдан: "Ўғил-қизимнинг бахту саодатини кўриш" деган жавобни бериши аниқ. Чунки биз шундай халқмиз: фарзандимиз учун бутун бордини беришга тайёр тураемиз, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етса, яъни ўқиб, ҳаётда муносиб ўрнини топса, деймиш. Уларнинг ҳар бир устиди ҳудди ўз муваффақиятимиздек қабул қилиб, чин дилдан қувонамиз. Гўё умримизга умр қўшилгандек бўлади.

ҳар бир бола меҳр ва эътибор оғушида эканини англайди. Мустақиллик шарофати билан бу каби бебаҳо қадриятларимиз мазмунан бойиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёш авлод-ни баркамол ривожлантириш бўйича таълим ва тарбиянинг ноёб модели яратилди. Президентимизнинг "Ўзбекистондаги барча ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!" деган сўзлари, эртаси эгаларининг муносиб келажигини таъминлаш борасидаги беқибс ғамхўрликлари бугун ҳар жабҳада ўз ифодасини топаётди.

Мамлакатимизда жорий этилган 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимини олайлик. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маъзур моделнинг принципал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидеги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларга ва академик лицейларга тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга, меҳнат бозоридеги талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайди.

Бундай шароитда тахсил олган кадрларга эса, албатта, барча соҳада талаб катта. Аммо ёш мутахассис дабудурустан ишга фаво қиришиб кета олмаслиги мумкин. Бу жиҳат ҳам бизда алоҳида эътиборга олинган. Яъни, юртимизда "Қорхона — коллеж" ҳамкорлиги йўлга қўйилган бўлиб, бу ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини бўлғуси иш жойида ўташни назарда тутди. Муайян вақт давомида амалий кўникмага эга бўлган ёш мутахассис эса кейинчалик уч томонлама шартонома асосида меҳнат фаолиятига киришадиган ва қорхона ривожига муносиб улғуш қўша бошлайди.

Биз юқориде дунё бўйича бугун ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи энг ўткир муаммо бўлиб қолаётганини айтиб ўтдик. Мана шундай бир шароитда мамлакатимизда келажак авлод вакиллариининг ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун қандай улкан ишлар амалга оширилаётганига бир аҳамият беришга:

2013 йилда касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2014 йилда салкам 1 миллионга яқин ўқувчиларни таълим олишга қўллаб-қувватлаш бўйича жабҳада ишлар жалб қилинади. Айтиш, бундай эътибор, бундай ғамхўрлик яна қаерда бор?

Умуман, истиқлол даврида юртимизда эзгу мақсад билан бошланган барча ишларнинг замирида баркамол авлод орзуси мустаҳкам ўрин эгаллаганини англаш кўпинча эмас. Хусусан, мантиқан бир-бирга мувоҳабат бўлган Оила йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йилида улкан чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Бу эзгу ишлар "2014 йил — Соғлом бола йили"да ҳам изчил давом эттирилди. Бинобарин, яқинда қабул қилинган Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтириш кўзда тутилгани Ўзбекистонимизнинг бугунги куч-қудрати, салоҳиятини ифодалаш билан бирга, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган эзгу давлат рўёби йўлида барча имкониятлар ишга солинаётганини яққол тасдиқлайди.

Шавкат ОРИҚОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ эркаклар учун формали қора рангли кўнжи калта ботинкалар, ўт ўчирувчилар жанговар кийими тўплами (маҳсус кўлқоплари билан), ипаралашган жунли, денгиз тўлкини рангли матолар ва астарлик матоларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилганини эълон қилади. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун.

3 кун • 2 та павильон • 150 та компания ARTEKAEXPO CENTRAL ASIA TИNE UZBEKISTAN STOMATOLOGY 19-ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАФТАЛИГИ 2014 йил 9-11 АПРЕЛЬ «Ўзэкспомарказ», Тошкент ITE Uzbekistan 100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-А. Манзил: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz www.tihe.uz ufi

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридеги «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ бўш лавозимларга танлов эълон қилади. (2014 йил март ойига) Танловда юқори малакали ва ташаббускор номзодлар иштирокини таъминлаш мақсадида куйидаги умумий талаблар қўйилади: компьютердан фойдаланиш билимига эга бўлиши лозим; чет тиллари, хусусан, инглиз тилини билиши; иқтисодий шароитларни математик усуллар ёрдамида тахлил қила олиши. «Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори мудири лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар: фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга бўлиши керак. «Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори бош илмий ходими лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар: фан доктори илмий даражасига эга бўлиши керак. «Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори етакчи илмий ходими лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар: фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга бўлиши керак. «Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори бош илмий ходими лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар: фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга бўлиши керак. «Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори бош илмий ходими лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар: фан доктори илмий даражасига эга бўлиши керак. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, ТДИУ ҳузуридеги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази, ходимлар бўлими. Телефон: (8-371) 239-28-35.

МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси фойдаланишда бўлган, пахта толасидан ип йигирувчи техник жиҳатдан соз тўқимачилик жиҳозини сотади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси. Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ТОМОНИДАН Стратегик Инвесторларга тақлиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга тақлиф этади: «Samarqand Pure Aqua» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй. «Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй. «Korazim shisha idishlari» МЧЖ — шisha идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоий қишлоғи. «Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан қалава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй. Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ноҳор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

ҚАРОР ВА ИЖРО



Фарзанд тарбиясида, унинг руҳий камолотида мусиқа ўзига хос аҳамиятга эга. Дилкаш наво улғайиб келаётган бола учун она алласидек таъсир кўрсатади, унинг мурғак қалбида эзгу ҳислар пайдо бўлишига замин яратлади. Шунинг учун бўлса керак, ўтмишда ҳам ота-боболаримиз мусиқага ошно тутинган, у билан "дардлашган". Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг йил муқаддам суюқдан ясалган най чолғуси топилгани ана шундан далолат беради. Зеро, мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.

Она алласидек муаззам

Мустикаллик йилларида, улуг боболаримизнинг ана шундай аъналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қароридан ҳам эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Унга биноан, 2009 — 2012 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 175 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди.

питал реконструкция) амалга оширилди. Бугунги кунда қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилган 230 та болалар мусиқа ва санъат мактабининг барчасида машгулотлар тўлиқ ташкил этилган.

миллий ва жаҳон мусикалари намуналаридан кенг бахраманд бўлишида яратилаётган шарт-шароитлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Ёшларимизнинг ижодий соҳада, шунингдек, ижрочилик йўналиши бўйича республика ва халқаро танловларда эришаётган муваффақиятлари

Этиборлиси шундаки, Давлат дастури қабул қилинганга қадар, ушбу йўналишдаги мактаблар машгулотларида 38034 нафар бола қатнашган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда

52152 нафарга етди.

Шунингдек, манзилли дастур асосида 2013 йилда 55 та болалар мусиқа ва санъат мактабида қурилиш-тиклаш ишлари (шундан 33 таси янги қурилиш, 22 таси ка-

Боладаги иқтидорни юзага чиқариш, тобланда нафақат чолғу асбоблари, шу билан бир қаторда, дарсликларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Ана шу жиҳат инобатга олиниб, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бадий академия ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида

Қосим АТАМИРЗАЕВ, Халқ таълими вазирлигининг мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи.

СПОРТ

Шу кунларда Хитой Тайпейда таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда ёш спортчилар нафақат совринли ўринлар, балки жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ташкил этиладиган II ўсмирлар Олимпиадаси йўлланмалари учун Узоро кураш олиб боришмоқда.

Олимпиадага яна битта йўлланма

Этиборга молик жиҳати, мусобаканинг дастлабки кунлари Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учун муваффақият келди. Қизлар ўртасида вазни 63 килограммдан юқори бўлган таэквондочилар баҳсида ҳамюртимиз Умида Абдуллаева Бахрайн, Мексика, Украина ҳамда АКШ вакиллари билан мағлубиятга учрашиб, олтин медаль ва лицензиялардан бирини қўлга киритди. Шу тарихда Хитойда бўладиган II ўсмирлар Олимпиадасида Ватанимиз шарафини химоя қиладиган спортчилар сони ўн етти нафарга етди. Бунгача ўсмирларимиз спортнинг ўқ отиш, оғир атлетика, бадий гимнастика, академик ашқак эшиш, байдарка ва каноэда ашқак эшиш, дзюдо турлари бўйича йўлланмаларга эгалик қилишган эди. Ўсмирлар Олимпиадаси бошланишига қадар спортчиларимиз қўлга киритган лицензиялар сони яна ошиши кўтилмоқда. Чунки олдinda вакиллариимиз эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши, спорт гимнастikasi, трамполини, бокс, енгил атлетика, сузиш, қилинбозлик, триатлон каби спорт турлари бўйича ташкил этиладиган турнирларда йўлланмалар учун кураш олиб боришади.

Фозилдин АБИЛОВ.

Кўғирчоқ театри томошабинларни янги бинода қабул қилди

Наврўз байрами шуқуҳи кезиб юрган айни кунларда Фарғона вилояти кўғирчоқ театрининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

ТУҲФА

Замонавий мебель жиҳозлари ҳамда техник воситалар билан таъминланган 100 ўришли ушбу масканни қуриш учун маҳаллий бюджетдан 664 миллион сўм сарфланди.

кўрсатиб келдик. Мана энди ўз сахнамизга эга бўлдик. Шу ернинг ўзиде турли безаклар, кўғирчоқлар ясаш учун махсус устaxonа ҳам яратилди. Театрнинг очилиш маросимидан сўнг бу ерга ташриф буюрган ёш томошабинларга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марям Ашурова қаламига мансуб "Ўз

уйингни ўзинг қадрла!" деб номланган сахна асари намойиш қилинди. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, табиат гўзалликларини қадрлаш гоъяларини ўзида мужасамлаштирган мазкур сахна асари болажонларда илқ таассурот қолдирди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тақдим этади! Фестиваль йўналишлари: анъанавий ижрочилик; академик вокал. Фестивалнинг асосий шарти: кўшиқлар фақат жонли ижро этилади. Фестивалнинг асосий мезони: кўшиқларнинг янгилиги, оригиналиги, матнининг таъсирчан ва бадий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, сахна ҳаракати, нуқт маданияти ҳамда ижро услубидир. Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этади. Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнгиде фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади. Кўшимча маълумотлари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан, шунингдек, интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайти орқали олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD. ЭКСКАВАТОРЫ КОЛЕСНЫЕ И ГУСЕНИЧНЫЕ, ЭКСКАВАТОРЫ-ПОГРУЗЧИКИ, ФРОНТАЛЬНЫЕ ПОГРУЗЧИКИ, МИНИ-ПОГРУЗЧИКИ. GST OIL. Моб. (+998 98) 123-48-30. Тел.: (+998 71) 269-29-62, (+998 71) 269-29-63, Факс (+998 71) 269-29-60. 100050, Ўзбекистон, г. Ташкент, ул. Исениксув, 118, gsthundai@gmail.com. Товар сертифицирован.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқаролар диққатига! «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ


АХОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖИНИ КОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЯТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНИ СЎРАЙДИ.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи қар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:
• рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
• магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиши;
• магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи оғохлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчилик билан кўчириш, синдириш, қўйиб юбориш;
• турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
• магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасиде қудуқлар қазииш, шурф қурилиши ҳамда геология, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
• турли-туман чикиндиликлар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишкорли аритмаларни тўкиш;
• магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш КАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.

Мулкичилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ КЎЙМАНГ! КУШЁР ВА ЭХТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратсиз ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг зуллишига ёқи уларга шикаст етказишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазииш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёқи магистраль алоқа кабелли трассаси белгисиде курсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғлиқ телефон рақамлари:

Table with columns for location, phone numbers, and cable section details. Includes entries for 'TTT' филиали, 'Сирдарё кабель участкаси', 'Иккинчи линия техник цехи', etc.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жамоаси Омбудсманнинг Хоразм вилояти бўйича Минтақавий вакили Бекчобай МАТЯКУБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади. Тошкент фармацевтика институти жамоаси Тиллар кафедраси мудир Дилафруз Худойкуловага волидаи муҳтарамаси Раъно ая НАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиника жамоаси клиника юристи Насиба Бабатаевага умр йўлдоши Бахтияр БАБАТАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 877 нусхадe босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. • МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Д. Улмуҳуродов. Мусаҳҳаб — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5